

800x600 Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE
MicrosoftInternetExplorer4

Маккада тушган, 106 оятдан иборат

Бисмиллахир рохманир рохийм

(Меҳрибон ва рахмли Аллох номи билан)

1. Алиф, лам, ро. Булар хикматли Китоб оятларидир.

Куръони Карим Аллох таолонинг хикмат тўла китобидир, унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ояти тамомий хикматдир ва ақлларни лол қолдирувчидир. Куръони мажид киёматгача бутун инсониятга хидоят маёғи бўлиб қолади, бундан кейин бошқа ҳеч қандай китоб туширилмайди.

2. Одамларга ўзларидан бир кишини вахий билан юбориб: «Кишиларни огохлантинг ва мўминларга Парвардигорлари ҳузурида чин имтиёзлар борлигининг башоратини беринг», деганимиз ажабланарли туюлдими? Кофирлар: «Албатта, бу аниқ сеҳргардир», дейишди.

3. (Эй инсонлар), ҳақиқатан Парвардигорингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган ва кейин Аршга ўрнашган Аллохдир. У ҳар иш тадбирини кўради, Унинг изнисиз бирор шафоатчи бўлмайди. Парвардигорингиз Аллохдир, Унгагина ибодат қилинлар! Ё насихатни олмайсизларми?

Аллох таоло ҳар нарсага қодир зот бўлатуриб бир онда пайдо қиладиган нарсани олти кунда амалга оширган. Токи бандалари шошилмай, охиста иш қилишни Ундан таълим

олсинлар. Бутун оламларни ёлгиз Унинг Ўзи идора килади, барча ишлар тадбири факат Унинг тасарруфидадир, Унинг изнисиз хеч ким шафоат кила олмайди. Шунинг учун бандалар бутун оламлар Парвардигори, Маъбуди бархак Аллох таолога ибодат килишсин.

4. Аллохнинг рост ваъдасига биноан, хаммангиз Унга кайтасизлар. Бошда хам Ўзи яратган эди, энди иймон келтирган ва яхши амал килганларни адолат билан хисоб-китоб килиш учун кайтадан тирилтиради. Кофирларга куфрлари сабабидан ичгани кайнок сув ва огир азоблар бордир.

Аллох таоло барча инсонларни Ўзи яратган, демак, киёмат куни хамманинг Унинг хузурига кайтиши бор. Аллохнинг бу ваъдаси хакки-ростдир, бандаларининг амаллари учун мукофот ёки жазо беришга факат Унинг Ўзи хаклидир. Яхши амал килган ва иймон келтирган инсонларни охират дунёсида улкан мукофотлар (Аллох розилиги ва жаннат) кутаётган бўлса, кофирлар учун Аллохга ва Унинг Пайгамбарига куфр келтиришгани сабабидан ташналигини кондиришга кайнок сув ва аламли азоблар тайёрлаб кўйилган.

5. У Куёшни чарогон, Ойни нурли килган хамда йиллар сони ва вақт хисобини билишингиз учун манзилларини белгилаб кўйган Зотдир. Аллох буларни хикмат билан яратган. У билувчи кавмларга оятларини баён этади.

Ояти каримада Куёшнинг шуъласи «зиё» деб, ойнинг шуъласи эса «нур» деб баён килинган. Муфассирлар айтишича, «зиё» жуда кучли, чарогон нурга нисбатан кўлланади, баъзилар талкинича, кай нарсанинг шуъласи зотий (яъни аввалда яратилганидай) бўлса, «зиё» дейилади, ниманинг шуъласи бошка нарсадан олинган бўлса, «нур» дейилади. Куёш ўзи нур сочади, Ой эса Куёш шуъласидан нур олади. Инсонлар йил, ой ва кунлар хисобини Куёш ва Ойнинг харакатига караб аниклашади. Бу жисмларнинг харакати нафақат дунёвий ишларда, балки диний ишларда хам кўл келади: бандалар намозларини адо этишда, рўза тутишда, бошка ибодатларни бажаришда хам бу хисобдан фойдаланишади.

6. Кеча ва кундуз алмашиб туришида хамда Аллох осмонлару Ерда яратиб кўйган нарсаларда, албатта, такводорлар учун ибрат бордир.

7. Аммо Бизга рўпара келишдан умид килмайдиган, дунё хаётига рози бўлиб хотиржамликка берилганлар ҳамда оятларимиздан гофиллар ҳам бор.

8. Ана ўшаларнинг жойи килмишлари туфайли дўзахдадир.

Шундай инсонлар борки, ажал етиб бир куни вафот этишларини ва Парвардигорларига рўбарў бўлишларини мутлако эсга келтиришмайди. Улар дунё хаётига ва унинг айшу ишратларига батамом берилиб кетишган. Улар фоний дунё матохларига шунчалик алданиб, хотиржам бўлиб колишганки, атрофларидаги Аллох таолонинг кудрати ва хикматига далолат килувчи жуда кўп аломатларни кўришмайди, улардан ибрат олишмайди. Ана шундай гофил ва беҳабар кимсалар агар тезда хидоят йўлига юз буришмаса, уларнинг борар жойи дўзахдир.

9. Иймон келтириб, яхши амаллар килганларни эса Парвардигор иймонлари сабабли хидоят этади ва уларга остларидан анхорлар окиб турувчи неъматларга тўла жаннат бор.

10. У жойдаги дуолари: «Эй Аллохим, Сен покдирсан!», саломлашишлари: «Ассалом!», охирги дуолари эса: «Оламлар Парвардигори Аллохга мактовларимиз бўлсин!» дир.

11. Агар одамлар яхшилик тез келишини исташгани каби Аллох ёмонликни ҳам тезлатганида эди, ажаллари етган бўларди. Лекин Бизга рўпара бўлишни кутмайдиганларни адашиб юришлари учун тугёнларида колдирамиз.

Хакикатан, инсонлар дуолари тезрок ижобат бўлиб, Аллох таоло уларга яхшиликларни (ризк, бойлик, хотиржамлик каби сўраган нарсаларини) тезда беришини исташади. Агар худди шунингдек, Аллох таоло ёмонликни ҳам тез келтирганида инсонлар турли бало, фалокат, касалликлар туфайли аллакачон ўлиб кетган бўлишарди. Аллох таоло шунчалик мархамат килиб турганида ҳам охиратни ўйламайдиганларни адашиб-улокиб юришлари учун тугёнларида колдиради.

12. Инсонга бирор кулфат етса, Бизга ётиб хам, туриб хам, ўтириб хам илтижо килиб колади. Ундан кулфатини аритсак, гўё Биздан ҳеч нарса сўрамагандек кетаверади. Хаддан ошувчиларга килган амаллари мана шундай яхши кўрсатилди.

Инсон зурриётининг ўзи соғ-омон ва ишлари юришиб турганида ҳеч нарса билан иши бўлмайди. Бордию Аллох таоло тарафидан бирор кулфат, зарар етиб колса, дарров Унга дуо-илтижолар килишни бошлайди. Ётса хам, турса хам, юрса хам, асосий машгулоти ана шу кулфат-балоларни тезроқ кетказишни Аллох таолодан сўраб, ёлбориш бўлиб колади. Парвардигор унинг дуоларини ижобат килиб, фалокатини аритса, яна бепарво бўлиб, олдинги ношукрлигини бошлайди. Гўё Аллох таолодан ҳеч нарса сўрамагандек, Уни батамом унутади. Килаётган ишлари, топган бойликлари ўзига чиройли кўрсатиб кўйилгани учун фоний дунёда кечираётган хаёти, эришган ютуқларига маст бўлиб, гафлат боткогига чуқуррок ботиб кетаверади.

13. Ўзларига зулм килиб, пайгамбарлари очик далилларни келтирганида хам ишонишмаганида сизлардан олдингиларни халок килганмиз. Гунохкор кавмларни мана шундай жазолаймиз.

Гунохкор кавмлар осийликлари учун тезда жазо, азобга гирифтор бўлишмагани ёки азоб келса-да, яна кўтарилиб кетганига магрур бўлиб, кувонишмасин. Аллох таоло баъзиларга азоб-жазони тез юборса, баъзиларга кечиктиради. Хар холда банданинг бирор амали жазо ёки мукофотсиз колмайди. Эй инсонлар, сизлардан олдин хам Аллох таоло канча-канча халк ва миллатларни зулмлари сабабидан халок килган. Вахоланки, пайгамбарлари уларга Парвардигорнинг илохий далилларини, очик мўъжизаларни келтирган эди. Лекин саркаш кавмлар буларга иймон келтиришмади. Аллох гунохкорларга ана шундай жазоларни юборади.

14. Сўнгра нималар килишингизни кўриш учун улардан кейин сизларни Ерда ўринбосарлар килдик.

15. Равшан оятларимиз тиловат килиб берилганида Бизга учрашишни ўйламайдиганлар: «Бу Куръон ўрнига бошқасини келтир ёки ўзгартир», дейишади. (Эй Мухаммад,)

«Буни ўзимча ўзгартиролмайман, вахий килинган оятларгагина эргашаман, Парвардигоримга осийлик киладиган бўлсам, улуг кун азобидан кўркаман», денг.

Мушрик ва кофирлар Куръони Карим оятлари тиловат килинганида эътибор билан тинглашарди. Аммо ширклари ва ботил акидалари танкид килинган оятлар келтирилганида: «Эй Мухаммад, Куръон ўрнига бошқа бирор китоб топ ёки ана шу жойларини ўзгартириб бер», дейишар эди. Уларнинг бу гапларига жавобан юкоридаги ояти карима туширилди (Насафий, Фахриддин Розий).

Замонанинг мушриклари ҳам (масалан, АКШ сиёсатдонлари) hozirги пайтда Куръони Каримнинг жиход, ахли китоблар, дорул-харб каби маънолардаги ояти карималарини ўзгартиришни ёки олиб ташлашни мусулмон уламоларидан талаб килишаётгани ҳам Куръони Карим хукмлари киёматгача бокий колишига бир далолатдир.

16. «Аллох хохлаганида уни тиловат килмаган ва сизларни хабардор этмаган бўлар эдим. Ахир, бир умр ораларингизда яшадим-ку, нега тушунмайсизлар?!» денг.

Яъни Пайгамбарга (алайхиссалом): «Кирк йил ораларингизда яшадим, хар бир харакатим сизларга яхши маълум, бирор марта ёлгон сўзламаган киши Аллох хакида канакасига ёлгон сўзлайин, унинг оятларини ўзгартирайин, нега тушунмайсизлар, ахир, Аллох таолога ёлгон тўкувчилар ва Унинг оятларини ёлгонга чикарувчилар оламда хаммадан зиёда золим эмасми?» деб мушрикларга айтиш буюрилди.

17. Аллохга ёлгон тўкиган ёки оятларини ёлгон деювчилардан хам золимок бормикин?! Гунохкорлар асло нажот топишмайди.

18. Ва улар Аллох ўрнига ўзларига на зарар, на фойда келтирувчи нарсаларга сигиниб: «Аллох хузурида кўллайдиганларимиз шулардир», дейишади. (Эй Мухаммад):

«Аллохга осмонлару Ердаги гўё У билмайдиган нарсаларни билдирмокчимисизлар?» денг. У уларнинг ширкларидан пок ва олийдир.

Мушриклар шу даражага боришадики, Аллохга куллик килиш ўрнига ўзлари ясаб олган, аслида хеч кандай зарар хам, фойда хам беролмайдиган жонсиз бут-санамларга сигинишади ва гунохларини тан олмай, «Аллох хузурида булар бизга шафоатчи бўлади»

деган даъвогача боришади. Бу килмишлари билан гўё Аллох таолонинг осмонлару Ердаги билмайдиган нарсаларига ўзларининг ақллари етганини исботламокчи бўлишади. Вахоланки, бутун оламларнинг Парвардигори бундай мантиксиз ва асоссиз даъволардан пок, олий Зотдир.

19. Одамлар бир уммат эди, кейин бўлиниб кетишди. Агар Парвардигорингиздан Сўз ўтмаганида улар тортишган нарса ажрим килинган бўлар эди.

Аллох таоло хузурида дин хамиша битта бўлган, ҳақ ақидада ҳеч қандай ихтилоф, бўлиниш йўқдир. Ширк хамиша энг каттик гуноҳ саналган. Одамлар орасидаги ихтилоф-тортишувлар шунинг учун йўқолмайдик, бу дунё амал дунёсидир, жазо олами энди келади. Инсонларга факат жузъий ихтилоф берилгандир. Агар Аллох таоло бундан бир нарсани ирода қилиб, олдиндан Каломи ила огохлантирмаганида эди, инсонлар орасидаги ихтилофларни бир лаҳзада бартараф этиб қўйган бўларди.

20. Улар: «Нега унга Парвардигоридан бирор мўъжиза туширилмади?» дейишади. Шунда: «Гайб Аллохгагина ҳосдир, кутинглар, мен ҳам сизлар билан кутаман», денг.

Аллох таоло дин душманлари талаб этаётган мўъжизаларни бир лаҳзада кўрсатиб қўйишга кодир, бу Унга ҳеч қандай машаккат тугдирмайди. Аммо Аллох таоло гайб илмини хузурида яширин қилиб қўйган, булардан Ўзи ирода қилган микдорда турли замонларда инсонларга билдириб, маълум қилиб туради. Мушриклар даъвоси яна шунинг учун бемаъники, улар атрофларида Аллох таоло яратиб қўйган мўъжиза-далилларни кўришга, улардан ибратланишга ожиздирлар. Охириги туширилган Куръони Каримнинг ўзи асл мўъжизадир. Ундаги оятларнинг мўъжизаси, мана, ўн беш асрки, инсонларга аста-секин очилиб, маълум бўлмокда. Шунинг учун Аллох таоло Пайгамбари орқали мушрикларни шошмасликка, буюк мўъжизаларнинг кашф этилишини кутишга буюряпти.

21. Балодан кейин одамларни раҳматимиздан баҳраманд этсак, улар дарров оятларимизга макр қилишади. «Аллох тадбирда ҳаммадан тездир», денг. Фаришталаримиз уларнинг макрларини, албатта, ёзиб боришади.

Ношукр инсонлар бошларига бир мусибат, бало келса, дарров Аллохни эслаб колишади. Аллох рахмати ила улардан бу балолар аритса, яна олдинги ширкларига бориб, Унинг оятларини ёлгонга чиқаришни бошлашади. Бутун инсоният тарихи шундай кечган: Мусо алайхиссалом замонида Фиръавн халки ҳам шундай қилган эди, ҳозирда ҳам шундай қилишади. Улар билишмайдик, Аллох таоло инсонларнинг ҳар бир сўзи, амали ва ҳаракатини фаришталарига ҳарфма-ҳарф ёздириб боради ҳамда киёмат куни барчани ҳисоб-китобга тортади.

22. Сизларга куруклик ва сувда сайр қилиш имконини берган Удир. Кемада бўлганингизда майин шамол уни елдириб кетса, улар хурсанд бўлишади. Бордию бирдан пўртана бошланиб, тўлқинлар ҳар тарафдан ҳамла қилиб қолса, чўкишларини англаб Аллохга ихлос билан: «Агар бизларни қутқарсанг, шукр қилувчилардан бўламиз», дея илтижо қилишади.

23. У қутқарганида эса улар Ер юзида ноҳақ зулм қилишади. Эй инсонлар, бу зулмларингиз ўз зарарингизгадир. Дунё ҳаёти ўткинчи, кейин Бизга қайтишингиз бор ва Биз қилмишларингиз хабарини берамиз.

Маккаи муқаррама фатҳ этилганидан кейин Ислому душмани Абу Жаҳлнинг ўғли Иқрима Маккадан қочиб, денгиз сафарига жўнади. Бироз юришганидан кейин кемалари пўртанага учради. Кемачи ундагиларга: «Хаммаларинг ёлғиз Аллохга йиғлаб илтижо қилинглар, ботил маъбуд (бут)ларинг бунақа пайтда ҳеч нарсага ярамайди», деди. Шунда Иқрима: «Бу Худо Муҳаммад (алайхиссалом) хаммани ибодатга чақираётган Худодир, модомики, Муҳаммаднинг илоҳи денгизда ҳам ҳалоскор бўлгач, У курукликда ҳам нажот бергувчидир. Эй Парвардигор, агар бу мусибатдан қутулсам, Муҳаммад алайхиссалом қўлларига ўзимни топширай, у Зотга байъат қилай, у жанобнинг ахлоқлари шундайки, мени, албатта, кечирадилар», деди. Дарҳақиқат, шундай бўлди: у денгиз фалокатидан қутулиб, Пайгамбар алайхиссалом ҳузурларида Исломга кирди. Аммо нажот топганидан кейин яна гуноҳ қилувчиларнинг факат ўзлари зарар кўришади. Улар вақтинча дунё ҳаётида яшаб юришса ҳам, барибир, Оламлар Парвардигори ҳузурига қайтишади ва қилмишларига яраша муносиб жазони олишади.

24. Дунё ҳаётининг мисоли Биз осмондан туширадиган сувга ўхшайди: ундан Ерда ўсимликлар униб чиқади, улардан инсонлар ва ҳайвонлар фойдаланишади. Ер юзи ясениб, чиройли бўлганида, ундагилар ўзларини хўжайин ҳис этишаётганида бирдан кечасими ё кундузими, Бизнинг амримиз келиб, Ерни кечагина ҳеч нарса ўсмаган шип-шийдам далага айлантириб қўяди. Биз тафаккур қилувчиларга оятларимизни шундай тушунтирамиз.

Аллох таоло осмондан кор-ёмгир ёгдирсагина ва Куёш нурлари билан киздирсагина, Ер юзида турли экинлар, мевали дарахтлар гарк етилиб пишиб, инсонлар ва чорва хайвонларига егулик озука бўлади. Бутун олам чаманга айланиб, богу бўстонлар хосилга тўлган бир пайтда ногахон Аллох таоло бирор офатни (жала, дўл, кургокчилик, хашарот кабилар) юборса, кечагина барк уриб яшнаб турган дала-боғлар куп-курук, хосилсиз ерга айланади. Аллох таоло дунё хаётини хам ана шундай ўткинчи бир нарсага ўхшатапти. Фикрлайдиган инсонлар бундан ибрат олишсин, вафосиз дунё матохларига алданиб колишмасин.

25. Аллох «тинчлик уйи»га чорлайди ва хохлаганини тўгри йўлга бошлайди.

Ояти каримадаги «доруссалом» (тинчлик уйи) сўзини муфассирлар турлича тафсир килишган: баъзилари бундан мурод жаннат назарда тутилган дейишса, айримлари Салом Аллох таолонинг гўзал исмларидан бири бўлгани боис, Аллохнинг жаннати, деган маъноси бор, дейишган. Тинчлик уйи шундайки, унда гам, ранж, кулфат, кайгу, беморлик кабилар бўлмайди, иймонли инсонлар рохат-фарогатда, айшу тарабда бўлишади. Аллох таоло Ўзи истаган бандаларини тўгри йўлга, хидоят йўлига йўллаб кўяди.

26. Яхшилик киладиганларга жаннат ва ундан хам зиёдаси берилади, уларнинг юзларини кайгу хам, ранж-кулфат хам босмайди. Жаннат эгалари шулардир ва унда мангу колишади.

Бандалар солих амаллар, яхшиликлар килишса, уларга хам яхшилик килинади: мангу рохат-фарогатда яшаладиган жаннат билан мукофотланишади. Бундан хам зиёда яхшилик: Аллох таолонинг розилигини топиб, Унинг дийдорига мушарраф бўлишади. Жаннатийларнинг юзлари хамиша нурлидир, уларда гам, хорлик, кулфат асоратини мутлако кўрмайсиз.

27. Ёмонлик килувчиларга эса жазо шунга яраша бўлади: уларни хорлик ўраб олади, Аллох жазосидан куткариб колувчи бўлмайди, юзларини зулмат каби коп-кора парда коплайди. Ана шулар дўзахийлардир ва унда абадий колишади

Ёмон амалларнинг жазоси эса шунга яраша ёмон бўлади. Ёмонлик килувчиларнинг юзи тун зимистони каби корайиб кетади, ўзлари расволик ва хорликда колишади, Аллох таолонинг газаби ва азобидан куткариб колувчи топилмайди ва огир кийноклар тўла дўзахда абадий колишади.

28. Ўшал куни Биз хаммани тўплаймиз ва мушрикларга: «Сизлар хам, шерик килганларингиз хам жойингиздан кимирламанглар», деймиз. Кейин уларни ажратганимизда, шерик килганлари айтади: «Бизга сигинмаган эдингизлар;

29. сизлар билан ўртамызда Аллохнинг Ўзи гувоҳ, ибодатларингиздан беҳабар эдик».

30. Шунда хар бир инсон ўз килмишларидан хабардор бўлади, хаммалари хакикий Хожа Аллохга кайтади, ўйлаб топган нарсалари гойиб бўлади.

Хакикатан, мушрикларнинг мантиги тасаввурга сигмайди: осмонлардан кор-ёмгирларни ёгдириб, гиёҳ ва экинларни ундирган, Ер юзидаги кимирлаган хар бир жонга ризк берган, ўлик тухумдан тирик жўжани, тирик товукдан ўлик тухумни чикаришга кодир бўлган, инсонларга кўриш учун кўзларни, эшитиш учун кулокни, дунё хаётида кийналмай яшаш учун акл-идрокни ато этиб кўйган ягона, мутлок хукмдор Аллох таолога кандайдир ўзлари ўйлаб топган, хеч нарсага ярамайдиган жонсиз бут-санамларни шерик килиб, топиниб юришади. Киёмат куни хамма Аллох таоло хузурида тўпланганида мушриклар топиниб юрган бут-санамлар «Бизга сигинмагансизлар, Аллохнинг Ўзи гувоҳки, бизлар ибодатларингиздан беҳабар бўлганмиз», деб уларни ташлаб кўздан гойиб бўлади. Шундай экан, азамат ва кудрат эгаси Буюк Аллохга ана шундай ожиз ва бевафо бутларни шерик килиб юрибсизларми?

31. (Эй Мухаммад): «Ким сизларга осмондан ва Ердан ризк беради? Ким эшитиш ва кўришга эгалик килади? Ким ўликдан тирикни, тирикдан ўликни чикаради? Ким бутун ишларни бошкаради?» денг. Улар: «Аллохдир!» дейишади. «Унда кўркмайсизларми?» денг.

32. Хакикий Парвардигорингиз Аллохдир! Хакикатдан ўзгаси факат адашишдир. Каёкка огиб кетяпсизлар?!

33. Улар иймон келтирмаслиги хакидаги Парвардигорингиз Сўзи тасдикланди.

34. (Эй Мухаммад): «Сизлар шерик килаётганлар орасида олдин яратиб, кейин яна кайтара оладигани борми?» денг. «Аллох яратади ва сўнгра кайтаради, унда нега юз ўгирияпсизлар?» денг.

Дархакикат, мушриклар Аллох таолога шерик килаётган бут ва маъбудлар йўк ердан бирор жонзотни яратишга хам, ўлганидан кейин эса яна тирилтириб, хаётга кайтаришга хам кодир эмас. Факат хар нарсага кодир Парвардигоргина яратади, вафот эттиради ва яна кайта тирилтиради. Шунин билатуриб хам мушриклар нега Хакдан юз ўгиришларини тушуниш кийин.

35. «Шерик килаётганларингиз орасида Хакка бошлайдигани борми?» деб сўранг. «Аллохгина Хак йўлга бошлайди, эргашиш учун хидоятга бошловчи хаклими ёки йўл тополмайдиган, ўзи етовга мухтожлар хаклими? Сизларга нима бўлди, кандай қарорга келдингизлар?» денг.

36. Уларнинг кўплари гумонга эргашади, холос. Аслида хакикат олдида гумон ҳеч нарсага ярамайди. Аллох уларнинг қилмишларидан, албатта, хабардордир!

Мушриклар хакикатни англай олишмагани учун «бизлар ҳақ йўлда бўлсак керак, чунки ота-боболаримиз хам олдин шу йўлда бўлишган, топинаётган бут-санамларимиз Аллох ҳузурида жонимизга ора кирса керак», деган гумонларга таянишади. Гумонлар ҳеч қачон хакикат ўрнини босолмайди, балки адаштиради. Аллох таоло барчанинг қилаётган ишларидан, дилларидаги ниятларидан яхши хабардор, қиёмат куни шунга яраша мукофот ёки жазо беради.

37. Ушбу Куръон Аллохдан ўзга тарафидан тўкилиши мумкин эмас, балки оламлар Парвардигоридан олдингиларини тасдиқловчи, ҳукмларни очик баён этувчи қилиб юборилган ҳақлигига ҳеч шубҳа йўқ Китобдир.

Пайгамбаримиз Мухаммадга (алайхиссалом) туширилган Куръони Карим шундай бир мўъжиза китобки, ундаги илм, маърифат, хукм-конунлар, Китобнинг фасохатию балогатига очик кўз билан назар солинганда беихтиёр «Бу Китоб Аллох таолодан бошка томонидан туширилиши мумкин эмас, чунки аклларни лол колдирувчи бундаин Китобни иншо этиш инсон зотининг кўлидан келмайди, Аллохдан ўзгаси бунга кодир эмас», дейилади. Хакикатан, Куръон хакида Пайгамбаримиз (алайхиссалом) билан тортишган Макканинг энг иктидорли мушрик сўзамоллари ва шоирлари хам унинг биттагина кичик сурасига ўхшаш нарса келтиришга муваффақ бўла олишмаган. Ушбу Китоб ўзидан олдин туширилган барча илохий китобларни тасдиклаш, улардаги хукм ва воқеаларни очик баён этиш ва изохлаш учун бутун оламлар Парвардигори томонидан юборилган. Унинг ҳақлигига асло шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

38. Балки, ўзи тўкиган дейишар?! (Эй Мухаммад): «Агар рост айтаётган бўлсангизлар, Аллохдан ташкари барча бутларингизни ёрдамга чорлаб бўлса-да, шунга ўхшаш битта сура келтиринглар-чи!» денг.

Кофир ва мушриклар, мана, ўн беш асрдирки, «Куръони Каримни Мухаммаднинг (алайхиссалом) ўзи ёзиб, Аллохга нисбат беряпти», деган мантиксиз бир иддаони килиб келишяпти. Вахоланки, Сарвари олам ўқиш-ёзишни билмаганлар, ўзларига тушган вахийларни котибларга айтиб ёздирганлар. Шунинг учун Аллох таоло Ўз хабибига бундай дейишни буюряпти: «Мен хам сизларга ўхшаган оддий бир одамман, агар бу ишга кодир бўлганимда сизлар хам бемалол бунинг уддасидан чиккан бўлардинглар, дунёдаги барча сўз усталарини, калам сохибларини тўплаб, хаммаларингиз Куръони Каримнинг кичик бир сурасига ўхшаш нарса келтириб кўринглар-чи, агар рост гапираётган бўлсангизлар, буни уддалайсизлар, аммо бундай сураларнинг бир жумласини хам келтира олмайсизлар».

39. Аммо улар илмлари етмаган, мохияти очилмаган нарсаларни ёлгонга чикаришади. Улардан олдингилар хам шундай ёлгон санашган эди. Золимларнинг қисмати қандай тугаганини бир кўринг!

Яъни, эй Мухаммад (алайхиссалом), уларнинг Куръон сурасига ўхшаш бирор нарса келтиришга ожизликларини кўятулинг, мушриклар акллари ва билимлари етмаган, хали хақиқати очилиб-маълум бўлмаган нарсаларни ёлгонга чикаришяпти. Булардан олдин ўтган ота-боболари хам хақиқатни мана шундай ёлгон санашган эди, уларнинг оқибати нима билан тугаганини энди бир кўринг.

40. Уларнинг орасида бунга ишонадиганлари ҳам, ишонмайдиганлари ҳам бор. Парвардигорингиз бузгунчиларни жуда яхши билади.

Аллох таолонинг илохий илмига кўра, Куръони Карим хукмларига иймон келтириб, унинг иноятдан бахраманд бўлганлар ҳам, унга ишонмай, илохий насибадан махрум қоладиганлар ҳам бор. Бунинг хикмати Аллох таолога яхши аёндир.

41. (Эй Мухаммад), агар сизни ёлгончига чиқаришса: «Менинг амалим ўзимга, сизларники ўзингизга, сизлар менинг ишимга дахлдор эмассизлар, мен – сизларникига», денг.

42. Улар орасида сизга кулок соладиганлари ҳам бор. Аммо тушунишни истмайдиган карларни эшитадиган кила олармидингиз?!

43. Улар орасида сиз тарафга бокадиганлари ҳам бор. Аммо кўришни истамайдиган кўрларни йўлга сола олармидингиз?!

44. Хакикатан, Аллох инсонларга бирор нарсада зулм қилмайди, аксинча, улар ўзларига зулм қилишади.

Чиндан ҳам қанчалаб инсонларнинг эшитишга кулоклари, кўришга кўзлари бор, аммо ботиний қар ва кўр бўлишгани учун илохий неъматдан бебаҳра қолишган. Аллох таоло асл фитратида инсонни итоаткор, оқил, фаросатли қилиб яратганига қарамай, қанча-қанча инсонлар нафс ва шайтон қутқусига ўқиб, чин саодатни бой беришади, ўзларига берилган қатта имкониятларни хавойи нафс истакларига қурбон этиб, ўзларига зулм қилишади.

45. Аллох уларни тўплаган қунда ерда худди қуннинг бир соатича яшагандек, бир-бирларини энди кўраётгандек бўлишади. Аллохга ўқрашишни инкор қилганлар, албатта, зиён кўришди ва тўғри йўлда бўлишмади.

Киёмат кунини ва ушбу кунда Аллохга рўпара бўлиб, ҳисобга тортилишини ёлгонга чиқариб инкор этган, хидоят йўлидан чекинган инсонлар дунё ҳаётида атиги бир соатча яшагандек, бир-бирлари билан энди танишаётгандек ҳолатда бўлишади. Ким ҳам энди танишган одамига ёрдам беришга кодир бўла оларди?

46. Агар уларга ваъда қилган азобларимиздан сизга (эй Мухаммад) кўрсатсак ҳам ё сизни олдинроқ вафот эттирсак ҳам, барибир, уларнинг қайтиши Бизгадир. Кейин уларнинг қилмишларига Аллох гувоҳдир.

Аллох таоло суюмли Пайгамбарига хитоб қилиб: «Тўғри йўлдан чекинган гумрохларга ваъда қилган азоб-жазоларимиздан баъзисини кўрасиз, баъзисини эса сиз вафот этгандан кейин юборамиз. Сиз азобларимизни кўрсангиз ҳам, кўрмасангиз ҳам, барибир, уларнинг Бизга қайтишлари аниқ. Биз уларнинг ҳар бир қилмишидан яхши хабардормиз», демокда.

47. Ҳар умматнинг пайгамбари бўлади, пайгамбарлари келгач, улар ўртасида адолат билан ҳукм юртилади, бирорталарига зулм қилинмайди.

Киёмат куни ҳар бир уммат ҳисоб-китоб қилинаётганида уларнинг пайгамбарлари ҳозир бўлишади. Уларнинг гувоҳликлари олинганидан сўнггина умматлар ўртасида адолат билан ҳукм чиқарилади, бирор кишига ҳам зулм қилинмайди.

48. Улар: «Агар рост айтаётган бўлсангиз, ваъда қачон амалга ошади?» дейишади.

Мушриклар ва киёматни инкор этувчилар Пайгамбаримизга (алайҳиссалом) ва мусулмонларга: «Киёматдаги азоблар билан кўркитяпсиз, агар гапларингиз рост бўлса, бу азоблар қачон келади?» дейишар эди. Қофирларнинг бу саволларига қандай жавоб беришни Аллох таолонинг Ўзи қуйидаги ояти орқали Пайгамбарига ўргатмоқда:

49. (Эй Мухаммад): «Агар Аллох хохламас, мен ўзимга фойда ҳам, зарар ҳам келтира олмайман. Ҳар бир умматнинг ажали бор, ажаллари қилган вақтда уни бирор соат кейинга ҳам, олдинга ҳам сура олишмайди», денг.

Аллох таоло ваъда килган жазо-азоб соатлари келгач, хар канча доно ва тадбирли бўлишмасин, инсонлар азобдан кутулишга харгиз чора топа олишмайди. Бу пайтда иймон келтиришгани хам фойда бермайди. Чунки ўзлари шуни хохлашган, азоб тезрок келишини кутишган, охирзамон Пайгамбари ва мусулмонларни кинояли саволлар билан безор килишган эди.

50. «Айтинглар-чи, Унинг азоби кечаси келадими ё кундузи? Унда бузгунчилар бунинг нимасига шошилишяпти?» денг.

51. Бу содир бўлганидан кейингина ишонасизларми? «Энди-я?! Ахир уни тезлаштиришни хохлаган эдинглар-ку?!»

52. Сўнгра золимларга: «Абадий азобни тортинглар, кирдикорингизга яраша жазосини оляпсиэлар», дейилади.

53. Сиздан (эй Мухаммад): «Жазо хакми?» деб сўрашади. «Ха, Парвардигорга касам, у хакдир, ундан асло кочиб кутула олмайсиэлар!» денг.

54. Зулм килган хар бир жон ер юзидаги барча бойликни бериб бўлса хам кутулишни истайди. Улар азобни кўргач, ич-ичларидан пушаймон бўлишади. Ўрталарида адолат билан хукм юритилади, асло зулм килинмайди.

Кофирлар мазах килиб: «Эй Мухаммад, ваъда килинган азоб ростми, рост бўлса, у качон келади?» деб сизга савол беришади. Касам билан бунинг хаклигини билдирингки, уларнинг парча-парча титилиб ва тупрокларга аралашиб кетган жасадларию аъзоларини тўплаб, тирилтириш хамда улардан хисоб сўраш, мушрик ва кофирларни килмишларига яраша жазо сифатида дўзахга ташлаш Аллох таолога ниҳоятда осон ишдир. Киёмат куни бундай ахволни кўрган золимлар Ер юзидаги бутун мол-бойлик ўзларида бўлса-ю, шунинг барини бериб бўлса хам, бу азобдан кутулишни истаб колишади. Аммо энди кеч, уларнинг кон йиглаб килган афсус-надоматлари асло фойда бермайди. Барчаларига адолат билан хукм ўкилади, бирор жонга зулм килинмайди.

55. Огох бўлинглар, осмонлару Ердаги ҳамма нарса Аллохникидир! Огох бўлинглар, Аллохнинг ваъдаси ҳақдир, лекин кўпчилик буни билмайди.

56. У тирилтиради ва ўлдиради, Унгагина кайтариласизлар.

Аллох таоло бир томчи нутфа холингизда сизга жон киритиб, дунёга келтиради. Сўнгра Яна жонингизни олиб, вафот эттиради. Киёмат куни яна тирилтириб, амалларингизга кўра мукофот ёки жазо беради. Барча инсонлар, албатта, Унинг хузурига кайтариладилар.

57. Эй инсонлар, Парвардигорингиздан сизларга насиҳат, дилингиздагиларга шифо, мўминларга хидоят ва раҳмат келди.

Яъни Куръони Карим инсонларга мутлоқ ваъз-насиҳатдир, уларнинг ахлоклари ва ҳаётларига зарарли ҳамма нарсадан кайтарувчи илохий кўрсатмадир. У инсонларнинг дилларидаги ширк, адоват, ёвузлик каби иллатларга шифодир. У барчага Аллох таоло розилигини топиш йўлларини кўрсатади ва мазкур Китобга амал қилувчиларни илохий раҳматга эриштиради.

58. (Эй Мухаммад): «Мўминлар Унинг фазли ва раҳматидан севинишсин, бу уларнинг барча ишларидан яхшидир!» денг.

Аллох таолонинг фазли – Ислом дини, раҳмати эса Куръони Каримдир. Мўмин-муслмонлар бу икки илохий неъматдан ҳар қанча хушнуд бўлишса, қувонишса арзийди. Чунки булар инсонларнинг дунёда тўплаган ва эришган ҳамма нарсаларидан, барча яхши ишларидан аълодир.

59. «Айтинглар-чи, Аллох сизларга берган ризқни нега ҳалол ва ҳаром қилиб олдинглар?» денг. «Аллох сизларга ружсат бердимми ё Аллохга бўҳтон қияпсизларми?» денг.

Бир нарсани халол ёки харомга чиқариш Аллох таолонинг ҳаққидир. Унинг изнисиз берилган ризқни халол ва харом қилиш улкан бир зулмдир, илохий ҳукми инкор этишдир, Аллох таоло шаънига буюк бўхтондир.

60. Аллохга бўхтон қилаётганлар Киёмат куни ҳақида қандай гумонга боришади? Аллох инсонларга ўта марҳаматлидир, аммо кўплар буни билишмайди.

Аллох таоло Ўзининг буюк фазли ва марҳамати билан гунохкор бандаларга гунохдан қайтиб, тавба қилишлари учун узок муҳлат бериб қўйди, хатоларини кечирди. Лекин уларнинг қўпи бу илохий қарам ва мағфиратни қабул қилмай, ҳаддан ошаверди, гунох устига гунох қилаверди. Охириги маҳалда афсус-надоматлар бефойда, уларга қилмишлари учун қаттиқ азоблар тайёрлаб қўйилган.

61. (Эй Мухаммад), қандай машғулотда бўлманг, Куръондан нима ўқиманг, (эй инсонлар), нима иш қилманглар, Биз бунга қиришган пайтингизданок хабардормиз. На ерда, на осмонда зарра микдорича, ҳатто ундан қаттарок ёки қичқирок бирор нарса Парвардигорингиздан яширин эмас, бари очик-ойдин Китобда битиб қўйилган.

Ояти қаримадаги «китаби мубин» (очик-ойдин Китоб)дан мурод, Лавҳул Махфуздир. Аҳли суннат вал жамоа ақийдасига қўра Лавҳул Махфуз ва Қалам ҳаққидир. «Таховий ақийдаси» шарҳида: «Лахв ва Қаламга, унга қизилган жамики нарсага иймон қелтирамиз», дейилган. Лавҳдан мурод, Аллох таоло ҳалойикнинг тақдирларини ёзган нарсадир. Қаламдан мурод, Аллох таоло яратган ва у билан мазкур Лахвга қадарларни ёзган Қаламдир.

62. Огоҳ бўлинглар, Аллохнинг дўстларига ҳавф ҳам бўлмайди, гам ҳам чекишмайди.

63. Улар иймонли ва тақволилардир.

64. Уларга дунё ва охират хаётида хушхабар бор. Аллохнинг ваъдаси ўзгармасдир. Бу, хакикатан, олий саодатдир.

Оламлар саййиди Пайгамбаримизнинг (алайхиссалом) хар бир машгулотлари, дунёдаги барча инсонларнинг кайфиятлари, у Зотга дўстларнинг муносабатларию душманларнинг кирдикорлари – хамма нарса Парвардигорга яхши маълумдир. Ундан зарра мисолича хам нарса пинхон колмайди. Чунки бу нарсалар хали башар насли яратилмасидан туриб Лавхул-Махфузга битиб кўйилган. Аллохнинг дўстларига Киёмат куни хисоб-китоб пайтида хеч кандай хавф-хатар бўлмайди, улар гам-ташвиш хам чекишмайди. Чунки улар дунёдан иймон ва такво билан ўтишган, Аллох таоло уларга дунё хаётида хам, охират оламида хам олий мукофотлар ваъда килган. У ваъдасини асло ўзгартирмайди. Мўминлар учун бундан ортик бахт-саодат бормикин?!

65. (Эй Мухаммад), уларнинг гапи сизни хафа килмасин, хакикатда бутун кудрат Аллохникидир. У эшитувчи ва билувчидир.

Кофирларнинг «Пайгамбар эмассан», деган иддаолари сизни хафа килмасин. Парвардигорингиз хамма нарсадан ва хар кимсадан кудратлидир. Аллох таоло сизга ёрдам ва таскин бергани холда, маломат ва инкор этувчиларни расво килади. Чунки У хамманинг сўзларини эшитиб, нима килмокчилигини билиб турувчи кудратли Зотдир.

66. Огох бўлинглар, осмонлару Ердаги жонзотлар Аллохникидир. Аллохдан ўзга шерикларга сигинаётганлар нимага суянишяпти? Факат гумонга суянишади ва факат тахмин килишади, холос!

Осмонлардаги ва Ердаги барча махлукотлар, яъни инсонлар, фаришталар ва жинларни Аллох таоло яратган бўлса-да, Аллохга шерик килаётган бут-санамларига сизгиниб юрган мушрикларнинг кандай далиллари бўлиши мумкин? Улар факат ўзларича гумонга бориб, тахминларга кул бўлиб адашиб юришибди. Аллох таолонинг динигина хақдир, ёлгон мазхаб ва акийдалар эргашишга, итоат килишга лойик эмасдир.

67. Ором олишингиз учун кечани, кўришингиз учун кундузни яратган Аллохдир. Бунда укадиган кишилар учун далил бордир.

Инсонларнинг ором олиши учун кечани, атрофни кўриб, тирикчилигини килиш учун кундаузни яратиб кўйган ёлғиз Аллох таолонинг Ўзидир, бунда Унга ҳеч ким шерик бўлолмайди. Барча яхшиликлар ва ёмонликларни яратувчи ҳам фақат Аллохдир. Демак, мушрик ва мажусийларнинг акийдалари ёлгондир.

68. «Аллохнинг фарзанди бор», дейишади. У бундан пок ва беҳожатдир! Осмонлар ва Ердаги барча жонзот Униқидир! Бунга ҳеч қандай далилларинг йўқ-ку! Аллох ҳақида билмай гапираверасизларми?

69. (Эй Мухаммад): «Аллохга тухмат қилувчилар асло нажот топишмайди», денг.

Насронийлар Исо алайхиссаломни Худонинг ўгли, деган акийдага боришади. Аллох таоло бундай ишлардан покдир, Унинг бунга эҳтиёжи ҳам йўқ. Еру осмонлардаги ҳамма нарсани яратишга кодир Зот буюк Аллохнинг на фарзандга, на хотинга, на вазирга, на ходимга эҳтиёжи бўлмайди. Бундай нарсаларни Аллох таолога нисбат бериб, Унга тухмат қилувчилар харғиз нажот топишмайди.

70. Дунё неъматларидан бироз фойдаланишади-ю, кейин Бизга қайтишлари бор. Ўшанда қуфрлари учун уларга қаттиқ азоб тоттириб қўямиз.

71. (Эй Мухаммад), уларга Нух воқеасини айтиб беринг. У қавмига айтди: «Эй қавмим, агар орангизда туришим ва Аллох оятларини эслатаётганим сизларга оғир келаётган бўлса, Аллохнинг Ўзигагина таваккал қилдим. Маъбудларингиз билан бирлашиб, билганларингизни қилаверинглар. Мақсадларингизни яшириб ё вақтини қутиб ўтирмай, менга чора қўраверинглар;

Нух алайхиссалом қавмини 950 йил Аллох тавҳидига қорлаб, бут-санамларга ишонмасликка қачирган эди. Аммо сарқаш қавми шунда ҳам тўғри йўлга юришни истамади. Шунда Нух алайхиссалом уларга қарата: «Эй қавмим, агар ораларингда узок вақт турганим, Аллохнинг қўрсатмаларини тинмай эслатганим сизларга малол келаётган бўлса, унга Аллох таолонинг Ўзигагина суяндим. Энди ўзларингиз сиғинаётган ўша маъбудларингиз, яъни бут-санамларингизни ҳам тўплаб, бир қарорга қелинглар. Менга

кўлламокчи бўлаётган хукмларингени яшириб ҳам ўтирманглар, менга мухлат ҳам берманглар. Натижа нима билан тугабини кутаверинглар.

72. Аммо нега юз ўгирияпсишлар, ахир сизлардан ҳақ сўрамадим-ку! Менинг мукофотим Аллохдандир. Унгагина бўйсунингга буюрилганман».

Нега мандан юз ўгириб кетяпсишлар? Ахир, даъватларим учун сизлардан ҳақ ҳам сўрамадим-ку! Ишларимнинг мукофотини мени сизларга юборган ёлғиз Парвардигоримдан кутаман.

73. Лекин уни ёлгончига чиқаришди. Шунда Биз уни ва у билан кемада бўлганларни кутқариб, ерда колдирдик. Буйруқларимизни ёлгонга чиқарганларнинг барини гарк килдик. Огохлантирилганларнинг қисмати нима бўлганини бир кўринг!

Нодон қавм шунча панду насиҳатларни эшитиб ҳам, ўнганмади. Аксинча, Нух алайхиссаломни ёлгончига чиқариб, хўрлади. Шунда Аллох таоло Ўз пайгамбари Нух алайхиссалом ва у кишининг иймон келтирган жамоаларини панохида асраб қолиб, қолган мушриқлар устига тўфон балосини юборди ва ҳаммаларини сувга гарк килди. Ўрниларига иймон келтирувчи қавмлар келиб ўрнашишди.

74. Ундан кейин ҳам қавмларга пайгамбарларни юбордик. Улар очик-ойдин далиллар билан келишса-да, қавмлари олдин ёлгонга чиқарганларига ишона олишмади. Бузгунчиларнинг дилини ана шундай мухрлаб кўямиз.

75. Шундан кейин Мусо билан Хорунни далилларимиз билан Фиръавн ҳамда аъёнларига юбордик. Шунда улар қибрга боришди ва гуноҳкор бўлишди.

76. Уларга Биздан ҳақ келганида: «Бу аниқ сеҳрдир», дейишди.

77. Мусо: «Сизларга ҳақ далил келса, шундай дейсизларми? Бу қандай сеҳр бўлсин,

ахир сеҳргарлар нажот топишмайди», деди.

Гунохкор ва саркаш кимсалар хакикатни танишда кўр бўлишади, пайгамбардек зотларни сеҳргар ва ёлгончига чиқаришади. Улар мўъжиза кўрсатишса ҳам, бу аниқ сеҳрнинг ўзгинаси, деб кўзларини «лўк» килиб туришаверади. Билмайдиларки, сеҳр ҳеч қачон галаба қозонмайди, мўъжиза эса ҳамиша зафар қучиб келган.

78. Улар: «Ота-боболаримиз тутган нарсадан бизларни қайтариш ва икковлон бу ерда хўжайинликни эгаллаш учун келдингми? Лекин сизларга ҳеч қачон ишонмаймиз», дейишди.

79. Фиръавн: «Энг қучли сеҳргарларни бошлаб келинглар», деди.

80. Улар келганида Мусо: «Нимангиз бўлса, кўрсатинглар!» деди.

81. Улар кўрсатишганида, Мусо: «Қилганларингиз сеҳр, ҳолос, Аллоҳ, албатта, уни йўққа чиқаради, чунки Аллоҳ бузгунчиларнинг ишини асло ўнгламайди;

82. гарчи гунохкорлар ёқтирмаса-да, Аллоҳ Ўз ваъдасига биноан хакикатни рўёбга чиқаради», деди.

83. Лекин Фиръавн ва унинг аъёнлари фитна қилишидан кўркиб, Мусо қавмининг бир жамоасидан бошқа ҳеч қим унга ишонмади. Чунки Фиръавн мамлакатда қатта ҳокимиятга эга бўлиб, қаддидан ошган эди.

Салтанат, шухрат ва бойлик Фиръавннинг бошини шунчалик айлантириб қўйган эдики, у қаддидан ошиб, Қудулик даъвосини қилишгача бориб етди.

84. Мусо: «Кавмим, агар Аллохга иймон келтириб, итоатда бўлсангизлар, Унинг Ўзигагина суянинглар», деди.

85. Улар: «Аллохгагина суяндик, Парвардигоро, бизларни кофир кавмга алдантириб кўйма;

86. ва Ўз рахматинг билан кофирлардан куткар!» дейишди.

Фиръавн ва унинг одамлари катта хокимиятга, бойлик ва имкониятларга эга бўлгани учун Мусонинг кавми кўркди ва озчиликни истисно килганда Мусога ишонмади. Кавмдан Аллохга иймон келтирганлари эса Фиръавннинг фитнага солиши ва алдашидан панох сўраб, Аллохга илтижо билан ёлборишди.

87. Биз Мусо ва инисига: «Мисрда кавмингизга уйлар курунглари ва уларда кибла белгилаб, ибодат килинглари ҳамда мўминларга хушхабар беринглари», деб вахий юбордик.

Аллох таоло Мусо алайхиссалом кавмига Мисрда уйлар куриб, шу ерда бирмунча вақт яшаб қолишни, уйларда кибласини белгилаб, ибодатда бардавом бўлишни, Аллохга иймон келтирганларга улуг мукофотлар ва жаннат хушхабарини беришни буюриб, вахий юборди.

88. Мусо: «Парвардигоро, Фиръавн ва унинг аъёнларига бу дунёда мартаба ва мол-дунё бергансан. Парвардигоро, улар шунинг учун бошқаларни Сенинг йўлингдан оздиришяпти. Парвардигоро, уларнинг бойлигини даф этиб, дилларини тошдай килки, то каттик азобларни тотмагунча иймонга келишмасин!», деди.

89. Шунда У: «Дуоларингиз қабул бўлди, энди катъият кўрсатинглари ва нодонлар йўлидан юрманглари!» деди.

Хазрати Мусо алайхиссалом узок муддат Фиръавн ва унинг халкини иймонга чорладилар, улуг мўъжизаларни кўрсатдилар, таъсирли насихатлар килдилар. Аммо итоатсиз ва осий кавм буларнинг хеч биридан таъсирланмай, инкор ва куфрда давом этаверди. Шунда ночор колган Мусо алайхиссалом Парвардигорларига уларни жазолашни сўраб дуо килдилар, Хорун «омин» деб турди. Парвардигор уларнинг дуоларини кабул этиб, хаддидан ошган ва Бани Исроилга чексиз зулм ўтказган Фиръавн ва унинг лашкарлари таъкибидан куткарди.

90. Биз Бани Исроилни денгиздан ўтказдик. Фиръавн лашкарлари билан хаддан ошган ва зулм килган холда кувиб келиб гарк бўла бошлаганида: «Бани Исроил иймон келтирган Тангридан ўзга илох йўқлигига мен хам ишондим ва Унга бўйсунувчиларданман», деди.

Мусо алайхиссалом бошлик Бани Исроилни денгизни иккига ёриб ўтказиб юборди, улар ордидан кувиб келаётган Фиръавн ва унинг аскарларини сувга гарк килди. Фиръавн ўлими олдидан ягона Аллохга иймон келтирди, лекин Аллохнинг иродаси билан Жаброил алайхиссалом унинг огзига денгиз лойи билан урдилар ва у иймонсиз халок бўлди.

91. «Эндими? Олдин итоатсизлик килиб, бузгунчилардан бўлдинг-ку!» дейилди.

92. Сендан кейингиларга ибрат бўлиши учун бугун жасадингни куткарамиз. Лекин кўпгина одамлар далилларимиздан гофилдирлар.

93. Биз Бани Исроилни яхши юртга жойлаштирдик ва уларга кулайликларни бердик. Ўзларига илм келганидан кейин эса ихтилофга боришди. Улар тортишаётган нарсалар хусусида Парвардигорингиз киёмат куни, албатта, хукм чикаради.

Бани Исроил Фиръавн зулмидан куткарилганидан кейин Аллох таоло уларни Миср ва Шом ўлкаларига жойлаштирди, унумдор ерлар, покиза ноз-неъматлар, фарогатли хаёт ато этди. Маънавий озука олишлари учун эса Тавротни туширди. Аммо ўзлари илм ахли бўлатуриб, яна турли масалалар бўйича бахс-тортишувларни бошлаб юборишди, гурухларга бўлинишди. Энди уларнинг тортишувлари хақида Киёмат куни Аллох таолонинг Ўзи хукм чикаради. Яъни иймонли бандаларига нажот беради, итоатсиз ва

кофирларни эса мангу азоб билан жазолайди.

94. (Эй Мухаммад), сизга туширган нарсамизга шубха килаётган бўлсангиз, сиздан олдин Китобни ўқиганлардан сўранг. Ахир, Хак Парвардигорингиздан келди, бас, шак килувчилардан бўлманг.

95. Ёки Аллохнинг далилларини ёлгонга чиқарувчилардан бўлманг, халокатга кетувчилардан бўлиб коласиз.

Ушбу сўзлар Пайгамбаримизга (алайхиссалом) нисбатан айтилган бўлса-да, кўпчилик муфассирлар: «Аллох таоло бу оят орқали Фахри коинот воситаларида барча инсонларга хитоб этяпти», деб тафсир қилишади. Чунки Пайгамбар алайхиссалом дилларида Куръон хақида асло шак-шубха, тараддуд ё гумон бўлмаган.

96. Парвардигорингизнинг Сўзи вожиб бўлганлар хақиқатан ишонишмайди;

Бу ояти каримадан маълум бўладиги, ким абадий дўзахийлар тоифасидан бўлса, Аллох таолонинг Сўзи, яъни азоби уларга вожиб бўлади. Бундайлар оят-далиллар келиб, киёматдаги каттик азоблардан оғохлантирилганига карамай, Куръони Каримга ишонмайди (Аллох асрасин!)

97. хатто уларга барча далиллар келиб, каттик азобларни кўрмагунларича.

98. Нега Юнус кавмидан бошқа иймон келтирган ва иймони фойда берган бирор кишлок бўлмади? Иймон келтиришганида улардан дунёдаги расволик азобини кетказдик ва маълум муддатгача фойдалантириб кўйдик.

Бу ояти карима хақида ўтган уламолар икки хил фикр билдиришади: бир тоифалари айтишадики, Юнус алайхиссалом кавми азобнинг аслини эмас, балки аломатларини кўргандаёқ иймон келтирди, иймоннинг бу хили шаръан мўътабар ва фойдалидир.

Азобнинг ўзини кўриб келтирилган иймон «иймони яъсий» дейилади. Чунончи, Фиръавн олдин иймонсиз эди, азоб келганидан кейингина иймон келтирди. Бундай иймоннинг унча эътибори бўлмайди. Бу фикрни айтувчилар кўпчиликдир. Уламоларнинг бошка бир тоифаси эса: Юнус алайхисломга эргашганларнинг иймонлари ҳам Фиръавнники каби асл азобни кўргач келтирилган эди, аммо Парвардигор Ўзининг фазли ва инояти билан уларнинг иймонларини қабул этди ҳамда келган азобни улардан бартараф этди, дейишади.

99. Агар Парвардигорингиз хоҳлаганида, ер юзидаги барча халқлар иймонга келган бўларди. Ё одамларни иймонли бўлишга мажбурламокчимисиз?

100. Аллохнинг изнисиз ҳеч бир жон иймонли бўла олмайди. Аклини ишлатмайдиганларни У қуфр нопоклиги билан жазолайди.

101. (Эй Мухаммад): «Осмонлару Ердаги нарсаларга назар солинглар», денг. Лекин иймон келтирмайдиганларга далиллар ҳам, насиҳатлар ҳам қор қилмайди.

Аллох таоло Ўзининг Хабибига айтяптики, сизга бир кишини мажбурлаб иймонга киритиш қудрати берилмаган, агар Аллох хоҳлаганида дунёда яшаб турган барча инсонларни бир лаҳзада иймонга киритиб қўйган бўларди. Лекин бундай қилиш Унинг илохий хикмати ва яратиш иродасига тўғри келмас эди. Шунинг учун Аллох таоло Ўзи истаган қавмларни иймон билан мушарраф этди. Бошка бир қавмни эса қуфр ва залолатда қолишлари учун қалбларини муҳрлаб, кўзларини қўр қилиб, Аллохнинг далилларини укмайдиганлардан этиб қўйди. Осмонлар ва Ердаги Аллох таолонинг мўъжизалари ва далилларига инсонлар ибрат назари билан қарашсин, озгина тафаккур қилганлар Аллохнинг ваҳдониятига иймон келтиришади. Бундан бош тортганлар эса қуфр ва ширк нажосатига ботиб, залолатда қолаверади. Бундайларга Аллохнинг мўъжиза-далиллари ҳам, пайгамбарларнинг насиҳатлари ҳам фойда бермайди.

102. Улар ҳам олдингиларнинг қуни қелишини қутишяптими? «Қутаверинглари, мен ҳам сизларга қўшилиб қутаман», денг.

103. Ўшанда Биз пайгамбарларимизни ва мўминларни қутқарамиз. Шундай бўлиши ҳақ! Зеро, мўминларни қутқариш Бизнинг бурчимиздир.

Ушбу ояти карима оркали Аллох таоло Ўз пайгамбарлари ва иймон келтирган бандаларини охиратдаги каттик азоблардан ва дунё хаётида кофирларнинг зулмларидан, албатта, куткариши ҳақ эканини билдирмоқда.

104. «Эй инсонлар, диним хусусида шубҳада бўлсанглар ҳам, барибир, сизлар Аллохни кўйиб сигинаётганларингга ибодат қилмайман, балки сизларнинг жонларингизни олувчи Аллохга сигинаман. Менга иймонлилардан бўлиш буюрилган», денг.

Ҳақиқатан, ибодатга, сигинишга ҳақли Зот Аллох таолонинг Ўзидир. Чунки у бутун махлукотни, жумладан, инсонларни яратган. Хохлаганига фойда, хохлаганига зарар бера оладиган ҳам, бандаларига жон бериб, жонларини оладиган ҳам ёлғиз Унинг Ўзидир. Бу ишларга Аллохдан бошқа ҳеч бир кимсанинг куч-қудрати етмайди.

105. Эй Пайгамбар, тўғри динга юз буринг ва мушриклардан бўлманг.

106. Аллох қолиб, сизга фойда ҳам, зарар ҳам келтира олмайдиган нарсаларга сизинманг! Шундай қилсангиз, қолимлардан бўлиб қоласиз.

107. Бордию Аллох сизга бирор зарар етказса, Ундан ўзга даф қилувчи йўқдир. Агар сизга бирор яхшилиқни раво қўрса, Унинг фазлини тўсиб қолувчи йўқдир. У фазлини хохлаган бандасига беради, У кечирувчи, раҳмлидир!

108. «Эй инсонлар, Парвардигорингиздан сизларга ҳақиқат келди, қим тўғри йўлда бўлса, бундан факат фойда топади, қим ҳидоятдан озса, бундан факат зарар топади, мен сизларга пойлоқчи эмасман», денг.

Яъни, эй инсонлар, Парвардигорингиз ҳузуридан сизларга ҳақ дин, ҳақ Қитоб ва ҳақ Пайгамбар келди. Аллох таоло Ўзининг охириги дини Исломи бутун инсониятга юборди. Энди ҳар бир инсон шуни яхши англаб, ўзининг фойда-зарарини аниқлаб олсин. Қим

Аллох таоло кўрсатган тўгри йўлда, хидоятда юрса, охиратда буюк саодатга ва абадий қолинадиган жаннат боғларига мушарраф бўлади. Ким тўгри йўлдан юз ўгириб, кофир ва мушриклардан бўлса, уни охират дунёсида афсус-надоматлар, каттик жазолар кутиб турибди. Хар ким ўзи учун ўзи жавоб беради, Пайгамбар алайхиссалом инсонларга тўгри йўлни кўрсатиш учун юборилганлар, уларнинг хар бир килмишини пойлаб турадиган пойлокчи эмаслар.

109. (Эй Мухаммад), ўзингизга юборилган вахийга эргашинг ва Аллох хукм килгунча сабрли бўлинг. У энг яхши хукм килувчидир.